84
К19

ҚАМБАР ОТА



# ДИЛ КЎРКИ

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач

84

ҚАМБАР ОТА

# ДИЛ КЎРКИ

0506

TOSHKENT KIMYO-TEXNOLOGIYA INSTITUTI
QOSHIDAGI CHIRCHIQ AKADEMIK LITSEYI
AXBOROT RESURS MARKAZI FILIAL
RO'YXATGA OLINGAN
5886
2017 y

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Тошкент — «O'ZBEKISTON» — 2010

ББК 84(5Ў)6
К 19

**Қамбар ота**
Дил кўрки / Қамбар ота. — Т.: O'zbekiston NMIU, 2010. — 88 б.

ББК 84 (5Ў)6

ISBN 978-9943-01-569-2

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2010

## ҚИСҚА СЎЗНИНГ ҚАДРИ

Шоир Қамбар Ота ижодининг илк даврларидаёқ митти, аммо кутилмаган теран фикрли фард ва тўртликлари билан мунаққидлар эътиборини ўзига қаратиб, қисқа, жарангдор, мушоҳадали асарларни хуш кўрувчи мухлисларда қизиқиш уйғотганди. У ҳазилга буриб, бир фардига «Болта достони» деб сарлавҳа қўйгани зеҳни ўткир ўқувчи қалбида ҳайрат ҳиссини қўзғатгани рост.

Яъни:

*«Эй ёғоч, болтага бўлганда даста,*
*Бир тирик дарахтни қилмагин хаста!»*

Бунда шоир фард жанрининг табиатини тўғри тушуниб, унинг мўъжаз бағрида достонларга асос берадиган ҳаётий мазмунлар жой олиши мумкинлигига ишора қилган. Ёғочларнинг болтага даста бўлиши, сўнгра ўз қариндошлари тўпига — ўрмонга болталарни бошлаб келиши... аслини олганда қайси бир фожиавий достондан кам!

Унинг қуйидаги зиғирдай лавҳасининг асосида ҳам чуқур ҳаётий маъно бор:

*Дарахт инграйди —*
*Шохлар титрайди...*
*Арра бу дарахтни мунгли арралар,*
*Гўё бу ишидан ўзи зорланар.*

Ёки,

*Суяниб юрар чол ҳассага,*
*Суянгани каби кекса кексага.*

Бу фардида шоир ўзининг предметга фавқулодда қараши билан кишини ҳайрон қолдиради. Оддий ҳасса бу ўхшатишдан кейин кўз ўнгимизда ғалати жонланиб кетади.

*Бошидан бошланар илоннинг думи,*
*Шу сабаб судралиб ўтади умри.*

* * *

*Кўпик тоғорадан тошиб тўкилди,*
*Аслида ҳаддидан ошиб тўкилди.*

* * *

*Ер тепма, От, севиб жоним қоқаман,*
*Мен сени кўтариб юрган тақаман.*

* * *

*Оҳак ҳар нарсани оқлай олади,*
*Ҳаётини оппоқ сақлай олади.*

Бу каби қуйма, чуқур мазмунли фардлар Қамбар Ота ижодига алоҳида файз бағишлайди. Бундан ярим аср чамаси олдин унинг мухлислари қайсидир газета ё журналда юқоридаги фардларга кўзи тушиб, ҳамон хотирасида муҳрланиб қолган сатрларини ҳар замонда беихтиёр такрорлаб завқланади, дилига қувват олиб, ҳузур қилади.

Бугунги кунда ортиқча гапдан кўра дангал, қисқа сўзнинг қадри баланд. Буни яхши ҳис қилган шоир анчадан бери энг қисқа, зарур, жаранглаган, жилодор, нишонга аниқ йўналтирилган фардлар, теран мазмунли учликлар, иккиликлар тизимидан ташкил топган «Икки энлик номалар», «Ҳар недан маъно топдим» сарлавҳаси остида ҳикмат ва маъно-мазмунга бой, жозибали, бир-бирини тўлдируви қисқа-кичик битикларини жамлаб, ўз мухлисларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг қалб даъватларидан руҳланиб, мадад олиб «Дил кўрки» номли мўъжаз бир тўплам тайёрлади.

Бу Сиз, азизларга маъқул келади, деган умиддамиз.



# ИККИ ЭНЛИК НОМАЛАР

*Бир бошга севгининг*
*савдоси тушар,*
*Ўзгасига дунё*
*ғавғоси тушар.*

## БОШНОМА

Азиз айлаганки, Худойим бошдан,
Бошингни яратмиш қаттиқроқ тошдан.

Бошлар ичин англаб бўлмас, думалоқ,
Бирлари тилла бош, бири — гувалак.

Қай бош дор, қилични доғда қолдирган,
Қай бош, ўлимларни юз бор толдирган.

Бошингни суқмаган жойинг борми, айт,
Яна қай маъвога пойлаяпсан пайт?!

Бу думалоқ бошинг копток эмас, бил,
Тўпдай майдон аро сурмоқ номаъқул.

Пешонангни ёрган йўлнинг бузуғи,
Мутлақо айбдормас азал ёзиғи.

Бошинг ҳаволатган сайин толарсан,
Ерни болиш қилсанг, ором оларсан.



Бир бошга севгининг савдоси тушар,
Ўзгасига дунё ғавғоси тушар.

Билмассан бошингни нетгайдир замон,
Муҳтарам айларми ё этгай хумдон.

Бошингни тинчитмай ҳар ён урарсан,
Бир кун пешонангда борин кўрарсан.

## ДЎСТНОМА

Дўст ҳақда ўйладинг, бағринг тоза бўлди,
Оламга ҳаётинг андоза бўлди.

Дунёда ёлғизлик — бахтсизлик демак,
Лозимдир дўстликнинг ғамини емак.

Бирон дўст топмасанг, жаҳонга келиб,
Адашиб юрибсан айт-чи, не қилиб?!

Дўстсизлик, ёлғизлик дарди беомон,
Зерикиш кулфати ўлимдан ёмон.

Эй, дўстим қувончинг бағрим тоғ этди,
Кўнглимни мангулик қадар чоғ этди.

Дўст дўстга айласа жонини фидо,
Чин дўстдан ҳеч бир куч қилолмас жудо.

Дўстгинам, суянчим, садаганг бўлай,
Сени куйлаб толмас, зўр оҳанг бўлай.

## ДУОНОМА

Савоб қилганларга дуолар бўлсин,
Савобга жонимиз фидолар бўлсин!

Тирикликда кимки савоб олмади,
Жаннатдан бир энлик жавоб олмади.

Майли, жисми жонинг бўлса ҳам кабоб,
Савоб ол, савоб ол, савоб ол, савоб!..

Ҳар қандай савобга бор лойиқ жавоб.
Ҳар қандай савобни айлангиз тавоф!

Мағзи пуч, маъносиз ўтган умрнинг!
Охири вой, дуосиз ўтган умрнинг!

Зулми зўрлик билан олинган дуо,
Оқибат келтиргай кулфату бало.

Топган дур, олтининг сарф бўлиб кетар.
Дуодан жонингга манфаат етар.

Эзгу инсонларни қилсак дуолар,
Ҳал бўлгай жаҳонда бор муддаолар.



## МЕҲРНОМА

Билурмисан меҳр бўлади қайда?
Меҳр нақ жигаринг ачишган жойда.

Кимни кўрсанг кўздан тўла ёш келур,
Меҳринг зўрлигин кўз унга фош қилур.

Кимки жой олгандир оташ меҳрингдан,
Ҳеч нари кетмагай ўткир зеҳнингдан.

Инсонлар меҳрингиз тутмангиз дариғ,
Чин меҳр минг дарддан айлагай фориғ.

Меҳр тош, тупроқда гиёҳ ундирар.
Меҳрсизлик бебаҳо дилни сўндирар.

Меҳри билан инсонни шарафлар инсон,
Меҳр бу дунёни ёритар равшан.

Меҳр ҳар мушкулни енгмоққа имкон,
Меҳрдир жаҳонда энг буюк эҳсон.

Эзгу яшабсанки, меҳр топибсан.
Ўзингга содиқ дўст-ғамхўр топибсан.

Хуш кўрдим, меҳрингиз менга тушганига қуллуқ.
Қалбимга садоқат меҳр қўшганига қуллуқ!

## ТАОМНОМА

Ким кўнгил ёқтирган овқатни егай,
Пазандасига кўп раҳматлар дегай.

Жўралар жам бўлиб пиширган таом,
Лаззати жаҳонда учрар камдан-кам.

Покиза ҳўракнинг қадрини билинг.
Ош бўлсин, роҳатда феълни кенг қилинг.

Агарки, топганинг қорнингга етмас,
Асал чайнар бўлсанг бўғзингдан ўтмас.

Биз билан улфатда қилган тамадди,
Доим ризқи бутун, бўлсин омадли.

Меҳнатсиз рўзғоринг эплай олмассан.
Қарзга қорнингни тўқлай олмассан.

Ошпаз овқатидан ким қолса ранжиб,
Иштаҳаси зумда кетади қочиб.

## ТУЗНОМА

Дунё неъматлари лойиқ емакка,
Миннат ярашмайди тузу намакка.

Бу муқаддас тузга бўлгайсан амин.
У тириклигингни айлагай таъмин.



Ҳаётда ризқ-рўзинг, бемалолинг бўлсин,
Худонинг бергани ҳалолинг бўлсин.

Ўйласам, туз тотган жойларим бир олам,
Қалбимда уларга унутилмас салом!

Туз ҳақига бўлмоқ муносиб,
Ҳар инсонга айласин насиб.

Ҳалол хизмат қилиб гар ерсан ҳалол,
Умр-жонинг, иззатинг топмагай завол.

Туз тотган кулбасин унутган одам,
Эзгу ризққа лойиқ бўлолмас мудом.

Кимнингдир туз ҳақин қилмасанг рози,
Ичингда қарзингни тергагай қози...

Номард берган тузи оғирлик қилар,
Найрангли зардоби бағрингни тилар.

Етим-есир ризқин кимки кемирар,
Гуноҳ жигарини бир кун емирар.

Эгаси рози бўлмай берган туз-намаги,
Не ажаб, ўйиб олса инсофсиз томоғин.

Кимки туз тотган туздонига туфлар,
Аслида ўзин виждонига туфлар.

Иншооллоҳ, берган тузингиз,
Доим ёруғ қилсин юзингиз.

Қуллуқ, пешона тер — неъматингизга.
Савоб айланг бизни ҳимматимизга.

## КИБРНОМА

Кимки манманликни кўраркан раво,
Борлигин маҳв этар тез кибр ҳаво.

Давлатим кўпайди, деб шишиб кетдинг.
Кетар чоғ жаҳонга не қўшиб кетдинг?

Кибрдан қуладинг қилган жабрингга,
Етиб боролмадинг ҳатто қабрингга.

Манманликдан чўкиб ё учиб кетдинг.
Ранжиган диллардан тез ўчиб кетдинг.

Шунча ҳаволаниб, осмон бўлолмадинг.
Ҳатто эл қатори инсон бўлолмадинг.

Кибринг кетмагунча йўқолиб,
Сен ҳеч қачон бўлмассан ғолиб!



Бунча кибр-ҳавони қайлардан олдинг,
У сабаб ҳаётда тойрилдинг-толдинг.

Бекорчи ғурурдан димоғингда қурт,
Ичингда тутайди бўғилган зўр ўт.

## ОРИЯТНОМА

Етай десанг ниятингга,
Севиб, суян ориятингга!

Инсон умрин дури, гавҳари —
Юракдаги номуси-ори.

Ориятли қалб иши ўлмас.
Номуссизнинг иқболи кулмас.

Ориятнинг тенгсиз хосияти бор,
Унга ёр юракнинг офияти бор.

Кимки ёшлигидан орини сақлар,
Инсонлик номини абадий оқлар.

Кимнинг номус-ори йўқ,
Фахр-ифтихори йўқ.

Ориятли орсизланса нақ ерга кириб кетар.
Орсизликни касб айлаган қадамда фириб этар.

Ориятли инсонлар ҳалолликка сиғинар.
Исбилмаслар орсизлик кучасини соғинар.

Ориятли қабрида ҳам ётар шуҳрат таратиб,
Орсиз яшар бу дунёда ғафлат лойига ботиб.

Орсизнинг ҳаёти омонатида.
Ориятли жони диёнатида.

## ХУШОМАДНОМА

Кимки хушомаддан озод бўлмади,
Ҳаётида бахту омад бўлмади.

Қайдаки хушомадпараст бор,
Билгил, эзгуликка ғараз бор.

Кимсан, бир гўрсўхтамисан,
Юраги қон лахтамисан.
Ё ислиқи пахтамисан,
Шунчалар ҳам сохтамисан?!

Одаммисан ё хасмисан,
Хўжанг туфлаган носмисан.
Ўзни қилиб оёқости,
Бу жонингда борми қасдинг?!

Хушомаддан омад эрмас,
аксинча, хижолат келгай,
Ишинг вақтинча битгайу,
бошингга маломат келгай.



Хушомадни хушловчилар
асло тўпори, мард бўлмас.
Сохта кўнгил хушлаш билан
хушомадгўй хушвақт бўлмас.

## ҚАҲРНОМА

Ўз-ўзидан келмайди қаҳр,
Нафрат сабаб бўлар у зоҳир.

Қилмишинг гар ғазабга лойиқ,
Қаҳрин сочиб қарғар халойиқ.

Кимки олса элидан қарғиш,
Афт-ангори тортади сарғиш...

Олқанганга йўламас офат.
Нафрат-қарғиш келтирар кулфат.

Қуласа ҳам осмон бошингга,
Нишон бўлма нафрат тошига.

Самимий дўст қаҳҳорлик қилмас,
Беҳудага маккорлик қилмас.

Бир гапдан қол! Қарғиш олиб нетасан.
Етдим деганингда йитиб кетасан...

Қарғишдан қўрқмасга қилма таассуб.
Ёқангни ушлаю, эттил таажжуб.

## ҚОЗОННОМА

Қозоннинг сиртида қора қуринди,
Пиширган овқати тотли, шириндир.

Пишириб қайнашдан толмайман ҳар дам,
Қайнаб-жўштираман одамларни ҳам!

Ҳар кимга бағримни очиб ҳар қачон,
Бўлганман ҳаммага севимли қозон.

Уйдаги қозонни қилмай десанг хор,
Ўзга қозондан кўп бўлма умидвор.

Оши ҳалол уйдан ғамлар йироқдир.
Оши ҳаром уйнинг олди фироқдир.

Текин еб ютганларга тутмагин осон,
Юзи қозон сиртидай қора ҳар қачон.

Севимли ёр уйда қайнатса қозон,
Ҳар қандай мушкул ҳам бўлгуси осон.

Биринг Қайсга ўхшаб, биринг Лайлига,
Оддий ёвғонингни пишир майлига.
Кимга насиб этса бундайин омад,
Беминнат турмушнинг баҳоси баланд.

## ҚАРИЯНОМА

Қарилик бир севимли китоб,
Маънолар тер ундан тез, шитоб.



Эркалаб қўй қарияларингни —
Фариштаю парияларингни.

Кексаларнинг синдириб кўнглин,
Бевақт синиб кетмагин, иним!

Кекса умрин ардоғи
Кечмишига яраша.
Ёш умрининг салмоғи
Қилмишига яраша.

Боболарнинг ўгитларини
Айт-чи, нега писанд этмассан?
Ўйла, Худо берган умрига
Ё етарсан ёки етмассан.

Сенингча бу, кексалар фақат,
Гуноҳларга ботгандир қат-қат.
Фармон берар ичда шайтонинг,
Инсонликка йўқдир имконинг...

Худо уриб қўйганнинг
Тентак феъли, кучи бор.
Кекса дилни хўрлаганга
Кексаликнинг ўчи бор.

Ўзингча сен казою казо...
Бу ҳаётда кимгадир асо, —
Бўлолмасанг ё қўлтиқтаёқ,
Ким дей сени эл, оламеёқ?!

0506
30593
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI 1-FILIALI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI

2—10-226

Кексаликнинг инжиқлигини
Эркалик деб қабул қилганга,
Тасаннолар, шарафлар бўлсин,
Инсон умрин қадрин билганга.

Кексалик зўр афсун экан,
Яхши қариш ҳусн экан.
Эзгу қаришга не етсин.
Сиздай қариш насиб этсин.

Аллоҳ сизни хуш кўрибди.
Севиб узоқ умр берибди.

Ким узоқ хизмат этиб, билмади миннатни,
Аллоҳим эвазига бахш этсин жаннатни.

Ниятингиз бўлиб вожиб,
Эл кўрсин шуни муносиб.
Десин: чиройли қарибсиз,
Пирим, бунча юксалибсиз!

Бошингиз оппоқ бўлибди,
Қалбингиз юмшоқ бўлибди,
Поклик бўлиб паноҳингиз,
Қолмабди ҳеч гуноҳингиз.

Юз йилни кўрган юзингиз.
Юз йил чақнаган кўзингиз.
Юз йиллик гавҳар сўзингиз,
Мўътабар, азиз ўзингиз.

AXBOROT RESURS MARKAZI



Юрсангизда, қариялар,
Ҳассаларга суяниб,
Ҳаёт яшнар тажрибаю
Ақлингизга таяниб.

Ўзга айбин кўргунча,
То олтмишга киргунча,
Бурил, ортингга қара
Сўнгра олдинга қара...

## ЖАРЛАРДАН ОГОҲНОМАЛАР

Ваҳдат водийсида вайрона, ўжар,
Тасодиф ажални кутиб ётар жар.

Ким тушса ҳийлаю найранг домига,
Жар уни саробдай тортар комига.

Ўйдим-чуқур, хароб, жин базмига ёр,
Жарлардан оқиллар бўлсинлар ҳушёр.

Чўққига чиққанда айланиб бошинг,
Асло жарга қулаб тушмасин лошинг.

Умр бўйи сувда сузиб, осмонда учиб,
Оқибатда қолганлар бор жар тубин қучиб.

Жар деди: табиат менга жабр қилди,
Ёмонга борлиғим рамзий қабр қилди.

Ҳаддидан ошганлар келгай мен сари,
Жарга ёндашдими, кетолмас нари...

Томошагоҳ дема жарнинг ёқаси,
Олчи туравермас тақдир соққаси.

Текис мармар йўлда югурдинг, елдинг,
Бу жар ёқасига не сабаб келдинг?

Юксак зиналарни кўзлаб шунча пайт,
Тоққа чиқмасанг ҳам, жардан ортга қайт.

Кимки ҳаётида жарни унутгай,
Йўлни тўғри танлаб муродга етгай.

Аллоҳим, оқ йўл бер, юборгин қўллаб,
Пок инсон жарга ҳеч тушмасин қулаб.

Одамлараро гар бўлмаса жарлик,
Янада мунаввар бўларди борлиқ.

Бетамиз жар тоғдан кўп тама кутди...
У-чи, ҳарсанг билан оғзин бекитди.

Не улкан жарлардан ҳатлаб беомон,
Жин урган бир жарда суринсанг ёмон.

Билардинг, бу жарнинг толеи қаро,
Итинг адашдими ё бу жар аро!

Бағри пора-пора афтода жарлар,
Шарафсиз, зим-зиё умридан зорлар.

Замони келганда не бир жар тўлар.
Ўрнида текислик, тўкислик кулар.



## ФАРДЛАР

*Бил, дилинг ўзга қайғусин*
*чекмоқни муносиб этмиш,*
*Демак, Аллоҳ сийлаб, сенга*
*чин инсонлик насиб этмиш.*

## ПЎСТИН

Нурли кунларингда оддий пўстинман.
Совуқ келганида асил дўстингман.

## МИХ ВА ТЎНГАК

Мих ҳиссиз тўнгакка дуч келган чоғда,
Қомати букилиб қолди кўп доғда.

## БОШСИЗ МИХ

Пойафзал тагида боши ейилган мих,
Бегуноҳ оёққа қадай бошлар тиғ.

## ҚУЁШНИНГ ИШҚИ

Жаҳонда қуёшнинг ишқи ягона,
Етар, бас, унга Ер бўлса парвона.

## ТОҒНИНГ ТОШ ҚОНУНИ

Тоғдан қай Тош тушса ўмбалоқ ошиб,
Қайтадан юксаклик этмагай насиб.

## ЧОЛ ВА ҲАССА

Суяниб юрар чол оддий ҳассага
Суянгани каби кекса кексага.



## БУРГУТНИНГ ҚАНОТИ

Бургутнинг думидан узун қаноти,
Қаноти кучлининг зўрдир шиддати.

## ИНСОН ҒУРУРИ

Ўлганда ҳам сўнмас инсон ғурури,
Мағрур қад кўтариб туради гўри.

## ҚОПҚОН

Ҳаётда жони йўқ, дард билмас қопқон
Қила олур жонлини жонсиз ҳар қачон.

## МЕШ

Тирик пайти ўт, дон, сомон ер эди,
Қимиздан кайф қилиб яшайди энди...

## ХАНЖАР

Дамим ўткир дема, керилма ханжар,
Барибир қум чархда чархлангунг такрор.

## ЭЧКИНИНГ ШОХИ

Чиқа бошлаганда эчкининг шохи,
Шохлашиб ўз бошин ёради гоҳи...

## ГАЛСТУК

Галстук отанинг бўйнига осилиб яшайди,
Кулиб дер: — эркатойингиз менга ўхшайди.

## ОЛМАНИНГ ҚУРТИ

Олманинг ичини қурт хўп ўйнаб ер,
Юракда яшашни мен биламан дер...

### ЛАЙЛАКНИНГ ТУМШУҒИ

Лайлакнинг тумшуғи бўлгандан узун,
Дон териб ейолмай қийнармиш ўзин...

### ГУЛМИХ

Гулмихнинг калласи бўлгандан маҳкам,
Ёғочни жипс ушлаб туради ҳар дам.

### БОЛТА ДОСТОНИ

Эй, ёғоч, болтага бўлганда даста,
Ўсувчи дарахтни қилмагин хаста.

### ЎЧИРҒИЧ

Ўчирғич хатоларни ўчириб нетди?
Хатолар кўплигидан ейилиб кетди.

### ТИЛЛА ТИШ

Тилла тиш оғизда кулиб ярқирар,
Аммо унинг таги чириб зирқирар.

### ИЛОННИНГ ДУМИ

Илоннинг бошидан бошланар думи,
Шу сабаб, судралиб ўтади умри.

### ҚАФАС

У бўлгани учун панжара-қафас,
Бир умр бўғилиб олади нафас.

### ЗАНЖИР

Фахрланиб шилдирар занжир:
Қопағон итларни боғламоқ фарздир!



### ЗИНДОН

Бағрига даҳшатни яширган кундан
Бутун борлиғи-ла, бўлди у зиндон.

### БАЛИҚНИНГ ФАЛСАФАСИ

Унингча: дунё сув, тупроқсиз, қумсиз...
Дум — ҳаёт. Дер: яшаб бўлмайди думсиз.

### КИШАН

Қулни ҳам, шоҳни ҳам кишанлади у.
Дунёда ҳеч кимга ишонмади у.

### ҲАККА

Боплаб уй қуради бир пана ёққа...
Думидан ҳам қўрқиб яшайди ҳакка.

### ТИПРАТИКАН

Ҳаёт йўлларимда учраса тикан,
Юролмай қоламан, дер типратикан.

### «ЧАЁННИНГ ШОГИРДИ»

Заҳар тилли одамга мен бердим нишимни:
«Шогирдим» давом эттир, деб севган ишимни.

### ТУЛКИ

Думи эмиш унинг бахтин очувчи мулки.
Думи билан фахрланиб юради тулки.

### ОҲАК

Оҳак ҳар нарсани оқлай олади.
Ҳаётини оппоқ сақлай олади.

## ТОШ

Дунёда ҳиссиз деб ном олгандир тош —
Тарашлаб йиғлатар бир ҳайкалтарош.

## БОШ

Бошдан ҳавойи ел ўтиши мумкин,
Азиз бош осмонга етиши мумкин.

## ҲАМЁН

Бўм-бўш бўлса ҳамёнинг,
Ором ололмас жонинг.

## ЙЎЛДАГИ ЎЙ

Ким бу йўлга тупурар.
Ким бу йўлни супурар.

## ҒОЯ ВА МИЯ

Янгимас ҳеч бир ғоя,
Янгилар уни мия.

## ҲАЁТИЙ ҲАҚИҚАТ

Гўнг титганлар узоққа —
Бормай тушар тузоққа.

## ФАРҚ ҚИЛАР

Битта йўлдан юрса ҳам эшак билан от,
Бир-биридан фарқ қилар то сўнг қиёмат.

## ЧЎҚҚИГА ЙЎЛ

— Баланд чўққига борми тўғри йўл?
— Унга етказар эгри-бугри йўл!



## ҚУДУҚЛАРДАН...

Турилмаса агарда қудуқлардан сув тортиб,
Улар саховатини қўйишаркан йўқотиб.

## ЁРҚИН ХАЁЛ

Билмаса ким уволни,
Кўрмас бахту камолни.

## ТО ТИШИНГ БОР

То оғзингда тишинг бор,
Билгил, минг бир ишинг бор.

## КАТТА-КИЧИК ЁМОНГА

Бурга битдан ёмон.
Лайча итдан ёмон.

## ТАҚА

Ер тепма, от, севиб жоним қоқаман,
Мен сени кўтариб юрган тақаман!

## ЗУЛУК

Қўйиб берса қонни сўради зулук,
Оқибат, ёрилиб ўлади шўрлик.

## ОМБУР

Роса бураб бу, омбур,
Тишлаб тортар, муғомбир.

## ТЕША УР

Қилавермай андиша,
Айёрликка ур теша.

## АМАЛ

Келганда вафоли, кетса жафоли,
Кимга кўп ваъдали, кимга видоли.

## ЁПИҚ ЭШИККА

Дунёда омадли, бахтлидан бахтли,
Сенга асло иши тушмаган киши!

## НОДОН ҚУШ

Тарихнинг токчалари бўлмаса ҳам бўш,
Унга мангу ин қўйдим дер бир нодон қуш.

## ТЎЗИМ БЕРСИН

Отанг қузғун, онанг бузғун.
Сенга кўзим, берсин тўзим.

## ЧЎПОНГА

Яйловда йўқ бирон бўри,
Нега қурир қўйнинг шўри?!

Асрлар одамни занжирлагани учун
У тарих олдида бўлар чилпарчин.

Боласан, ишқимдан куласан беғам,
Бошингга тушганда биласан, укам.

Дами ўткир пичоқни чархлама дарров,
Унга қайроқ кифоя, урилмас эгов.



На одам, на қушга у милтиқ отди...
Барибир сукунат кўксин қонатди.

Қушларга бағрини очганда осмон,
Хаёлда уларни патлама осон...

Тоғнинг ҳайбатидан қўрқма, йиқитмас,
Йиқитар бепарво бўлсанг оддий хас.

Ҳар қанча дами зўр бўлса-да пичоқ,
Бекорга ўз қинин кесмайди бироқ.

Сен билан танишган чоғим ғалати,
Душманга айландинг нега, лаънати?!

Суюб ёлчимаган куйиб ёлчимас.
Муҳаббат лаззатин туйиб ёлчимас.

Бу Пақир оддийдир, сахийдир, дўстим,
Пақирга сув учун эгилар ҳар ким.

Кўмир ёнмаганда куйдирмаса ҳам,
Қора юқтирмас, деб бўлма хотиржам.

Кўпик тоғорадан тошиб тўкилди,
Аслида ҳаддидан ошиб тўкилди.

Шонингки шохи чиқмиш,
Ғарибнинг охи чиқмиш.

Дил боғингга битта ҳам,
Йўламасин муттаҳам!

Омаддан порласин пешонанг,
Пешонангга яраша — кошонанг.

Ишингга мос келса бошлиғинг,
Ниятингга яраша, ошлиғинг.

Қувонма папиб, кўтарса танглайинг,
Йиғларсан, ўпканг... юзозга манглайинг.

Тўғри йўлдан юришни ўргатмасанг оёқ,
Эгри босиб бошингни бир кун тутар таёқ.

Зулматда сақламоқ бўлиб одати
Нафратларга тўла ўтди ҳаёти.

Ўлимдан ҳимоя қилса ҳам қалқон,
Эй одам, сен қалқон тутишдан сақлан!

Махсус буюм бўлган лаҳзадан каска —
Жавобгар ҳис этар ўзини бошга.



Ялангоёқларга этиклар битар,
Тиканларни янчиб-эзғилаб ўтар.

Ботқоқ бир нарсани аниқ билади:
Ботувчи ўз оёғи билан келади.

Кимки ҳақдан тониб, зулми зўр бўлди,
Зулмат ичра қолиб бир кун хор бўлди.

Ўзингдан зўрларга тобе, маҳкумсан.
Ширин каломларга заҳар-заққумсан.

Ҳуқуқ сен томонга ўтган бўлса ҳам,
Қонунни чалғитса ёмон муттаҳам.

Гар бузғунлар тақдимига муносибсан,
Демакки, муттаҳамсан, мунофиқсан.

Гапингнинг кўпайиб кетса ёлғони —
Гўри қиёматга кунинг қолгани.

Ўзгалар ҳақини еганлар тўйиб,
Ҳайҳот! Иймонлари кетмишлар куйиб.

Яқин юраверсанг фалокатларга,
Қолиб кетмоғинг нақд касофатларга.

3—10-226

Кимгаки ҳаётда хиёнат қилдинг,
Аввало ўзингга зиёнат қилдинг.

Ғирромдан яратсанг ҳаловатингни,
Бир кун хароб этгунг тан-сиҳатингни.

Қилмиш-қидирмишинг бўлса ғалати,
Бошингга ёғилар дунё ғафлати.

Яхшими-ёмонми турфа хислатинг,
Оқибат белгилар умр қисматинг.

Устингдан тарқалган нохуш маломат,
Кечмиш-қилмишингдан бахтсиз аломат.

Талондан топганинг талафот кўргай.
Ҳаромдан топганинг ҳалокат кўргай.

## СЕВГИ СИРЛАРИ

**1.**

Одамзот севгини яратган куни
Ўзи бўлиб қолди унинг тутқуни.

**2.**

Кимники кўрқитса ишқда ҳижрон, ғам,
Чинакам севолмас, саналмас одам.

**3.**

Боласан, ишқимдан куласан бегам,
Бошингга тушганда биласан, укам.



**4.**

Севги унутилмас этилсанг ҳам рад,
Умр бўйи дилдан чиқмайди бу дард.

**5.**

Кимники ёндирса севги азоби
Йўлини ёритсин ишқнинг офтоби.

**6.**

Уйимнинг тўрида турган эй сурат,
Ҳаёт шами мисол ёғду бер абад.

Эзгу меваларинг қилмасанг канда,
Эй, дарахт кесилиб бўлмасдинг кунда.

Мардликдан заррача нишони йўқлар,
Ажабким, мардман деб кўнглини тўқлар.

Пастлар суҳбатини ихтиёр этсанг,
Бир мардга тенг келмас — мингин ёр этсанг.

Дунёга келдингми, иморат тиклаб,
Юритгин тириклик йўриғин поклаб.

Ёмонга йўлиқиб қилсангда ҳазар,
Бағрингдан кетмас у қолдирган озор.

Сийнасига кўнсам дер бир кичик доғ,
Айлагайман не бир покларни носоғ.

Қарға инъомидан етилган ёнғоқ,
Ҳотам экинидан гоҳида покроқ.

Дунёда яхшию ёмон ўтаркан,
Шу ердир ҳамманинг дардин кўтарган.

Содиқ қуш осмонга баланд учасан,
Барибир, оқибат ерни қучасан.

Дунёда энг қадр-қимматли одам.
Гоҳида ғурбатли, кулфатли одам.

Ўзингдан кўр, элдан юрмагин нолиб,
Хоки по ҳаммадан кетади қолиб.

Ер излар Ватани — изинг қолади,
Ҳеч бўлмаса ўғил-қизинг қолади.

Жаҳондан ноумид ўтганлар ҳам бор,
Шунчаки бир келиб кетганлар ҳам бор.

Тушиб қолмайин деб ёмон дастига,
Бойликлар яширинган тупроқ остига.

Зеб-зийнат туймаслар кўзини ейди,
Хасислар ўртаниб ўзини ейди.



# УЧЛИКЛАР

*Ўзгани англамаган —*
*англанмагусидир.*
*Ўзгани тингламаган —*
*тингланмагусидир.*
*Ўзгани тенгламаган —*
*тенгланмагусидир.*

## КЎЧАТ

Кўкламни ҳис этдинг. Муборак фурсат!
Умид илдизингни ишон баҳорга,
Тез суқил тегишли ерга эй кўчат...

## ЧЎПОН ТАЁҒИ

Ҳаётда билар у фақат чўпонни.
Ўтар ё подани бошлаб юради.
Хаёлга келтирмас она ўрмонни.

## ЗАРАНГ ТАЁҚ

Офтобда тобланган заранг таёққа —
Ишонма. Ундан нур чиқмайди асло,
Айланиб қолган у ҳиссиз калтакка.

## ТЎНКА

Бир тўнка гоҳ-гоҳда қилади нидо:
Эй болта, елкамда гўшт чопгунг токай,
Айт, нега биз ўзни қиляпмиз фидо?!

## ЛАҚҚА

Дер сувдан бошини кўтариб лаққа:
— Чиқариб қўйишса эди қирғоққа,
Ўзим кўтарилиб кетардим тоққа.



## ТОШБАҚАНИНГ ФАХРИ

Қаранг, қотиб турар улкан тоғлар ҳам,
Тош зотин юрганин кўрган қай одам.
Ҳар ҳолда юргувчи Тошман мен, ошнам!

Ҳамма одам бир, беш қўл баробар
Деган гапга ишона қолардим,
Агар барча қуртлар ипак ўраса...

Пашшалар ишига аралашиб Наҳанг,
Чиқиб қонун чегарасидан,
Қолиб кетди қирғоқда, аттанг!..

## КИМДИР СЕНИ ЭСЛАБ ЮРСА БАС

Ўзгани англамаган — англанмагусидир,
Ўзгани тингламаган — тингланмагусидир.
Ўзгани тенгламаган — тенгланмагусидир.

Омадсизнинг умри шу зайл ўтди:
Қишдан эсон-омон баҳорга етди,
Аммо кутмаганда офтоб уриб кетди.

Эр-хотин кун бўйи шоли оқлашар.
Рўзғорига файз-қут, толе оқлашар.
Гуручлар кўрсатар оппоқ тишларин...

Дунё хоҳишимиз назарга илмас.
Келган кетаверар, кетганлар келмас,
Ғофил зоти борки, буни ҳис қилмас.

Донишманд демишки, бу энг зўр алам:
Жаҳонда одам кўп, инсон жуда кам,
Шу боис мукаммал бўлолмас олам.

Сен жим тур. Эл айтар очган бўлсанг ариқ,
Қушлар алқаб сайрар, сочган бўлсанг тариқ,
Нимангни эслаймиз умринг кечса қуруқ.

Майсаларни ҳар кас босиб ўтса ҳам,
Буюкми ё нокас босиб ўтса ҳам,
У умридан рози — яшар хотиржам.

Беозор гиёҳга бир тикан деди:
Ҳеч кимга заҳрингни қадай олмайсан,
Бунчалар пешонанг шўр экан, деди.

Мумкиндир гоҳида қалб билан сўйлаш,
Мақтаб ерга уриш, койиброқ — сийлаш.
Энг муҳими, эзгу фикрлар ўйлаш.

Кимдир сени эслаб юрса бас.
Эзгуликни кўзлаб юрса бас,
Билки, умринг ўтмабди абас.

Булут, гарчи енгилсан,
Осмон асло пастлатмас,
Токи кўкка сингилсан.

Қандай яхши ҳар ким эзгу иш қилса.
Такаббурлар қотган дийдасин тилса,
Дўқлашни билганлар тинглашни билса...



Аллоҳим, кечиргин, ўзинг де бандам,
Давлатмандлар чеккан кулфат олдида
Бўларкан ўзимни ўйламасам ҳам...

Ишонган тоғингда кийик ётавермас.
Тилагинг бўлмаса чўққидан баланд,
У тоғ сенга мудом асқотавермас.

Унинг оёғи калта, қорни думалоқ,
Аммо қўли истаган жойга етади.
Дунё, айт, оёғи узун нетади?!

Ким бўғзигача гуноҳга ботди...
Ер билан осмоннинг оралиғида
Ким осмон қадар баландлаб кетди.

Дунё кўп ғалати: ким мақтаб яшар,
Тил учида ғанимни ҳам алқаб яшар.
Биров дўқлаб, биров сукут сақлаб яшар.

Кимдир сармаст яшар ҳаёт тотидан,
Кимдир шифо топмиш қушнинг патидан,
Мен мадад олгайман мардлар ёдидан.

Асалари умри қирқ беш кунгина.
Элга асал бериб, лаззат улашиб,
Яшаб, ўтиб кетди оддий, жўнгина.

Эй қорин, бунчалар талабинг азим:
Бўлса бас, маишат, жамшиди базм.
Тап тортмай тоғни ҳам қилурсан ҳазм.

Йигирма ёшингда гапни олмадинг.
Ўттизингда билганингдан қолмадинг.
Қани қирқ бешингда кулган омадинг?!

На бир ҳунаринг бор, на бир ишинг бор,
Ҳайронманки, сенинг на эс-ҳушинг бор.
Аммо жағинг тўла ўткир тишинг бор.

Бўрининг ошиғин олиб юрсанг ҳам,
Қўйнингга жодулар солиб юрсанг ҳам,
Ўзинг сабаб бўлсанг янчар кулфат-ғам.

Тўққизта рақаминг бордир бор-йўғи,
Дунё ҳисобига етдим демагин,
Ки, нолдан мақоминг бордир бор-йўғи.

Сенга ётдир эркин фикрлар, ўйлар,
Шундан кимлигингни билса бўлади,
Жону дилинг фақат хушомадгўйлар.

Текинга келарми дейман нон-ошинг,
Ё ошиб кетдими ойлик маошинг,
Бунчалар айланиб қолибди бошинг?!

Биламан, на мағлуб, на ғолиб яшайсан,
На фахрланиб, на уялиб яшайсан,
Аммо қачонгача суяниб яшайсан?!

Ойдан ёруғликни, Қуёшдан зиёни
Сипқорган авлодсиз, улуғсиз, яъни —
Машъум қоронғудан сақланг дунёни!



Ким тамшаниб мақтар еган-ичганини,
Ким унута олмас кўрган-кечганини.
Мен эса эслайман севги онини.

Ким бўлсанг бўлавер, мен сендай бўлмайман,
Ихлос ҳам қуймайман, ҳавас ҳам қилмайман.
Сўрама, сабабин ўзим ҳам билмайман.

## НАҲОТ ШУНЧА БИЗДАН УЗОҚДА ПОКЛИК?!

Тўзон! Ўйлаб кўрганмисан бирор пайт?
Ҳеч кимнинг кўзини асло очирмай,
Тупроқ ёғдиришдан мақсадингни айт.

Эй, қум, бу дунёда яшаб не этдинг,
Қанча обиҳаёт, қанча нур ютдинг.
Аммо қайтимини нега унутдинг?!

Агарки дардингни ҳар кимга ёрдинг,
Жисмингни ўзгалар кирига қординг,
Демакки, бефойда тутадинг, ёндинг...

Кимдир ўйламасдан фақат кемиради.
Ким тоғдай ер, аммо ичин емиради.
Ажаб, кимдир ҳатто сувдан семиради...

Нафрат айтиб тенгсизликка, зўрликка,
Турфа ожиз зотлар чиқди ҳурликка.
Кенг тўқай тор келди арслон шўрликка.

Туялар замона зайлига боқиб:
«Роҳатда яшаймиз армонда чиқиб»,
Деганда кетдилар карвондан чиқиб...

Туҳматчи Қуёшдан тозаман, деди.
Айбларини топиб, унинг устидан
Фалакка арзнома ёзаман, деди.

Гар ҳамма билса-да юлдузлигингни,
Бозорга соларкан шаън-ўзлигингни
Намоён қилурсан ожизлигингни.

Сени чирантирган тўрт-беш чой-чақа,
Ўзингни тутолмай йиртурсан ёқа,
Айт, кимсан юз бурса «бебилиска» соққа?!

Алғов-далғов этиб ернинг устини,
Тўғрисин айт, олдинг кимнинг қасдини?
Энди мохов қилма тупроқ остини!

Фақат ўзни десак инсон бўлолмасмиз.
Ҳаёт қил устида қалтираган пайт,
Уни асрагувчи бир жон бўлолмасмиз.

Тилингни ёр этмай ширин хислатга,
Дастёр қилиб қўйсанг бехос туҳматга.
Учратар сени у аччиқ қисматга.

Ҳўкиз терисидан ясалган қамчи,
Аччиқ савалашинг денгиздан томчи—
Бўлмоғига, айт-чи, недир илҳомчи?!



Ожиздир нафратга чўлганган қалбим.
Кўзингизда ёнган ўтни кўрдиму,
Нетай, юзингиздан ўтолмай қолдим.

Бўгин-бўгинларим сўкилиб кетди
Сиздаги азобу оғриқни кўриб,
Юрагим қумдай тўкилиб кетди.

Дунё неки берса бошдан-оёқ қарз.
Қалбинг ҳақ йўлида бўлса ҳам минг дарз,
Омонатни тугал қайтармоғинг фарз.

Одамликни айламай увол,
Оғир дамда сўрган бўлсанг ҳол.
Мол керакми, жон керакми, ол.

Айлан, айлан тегирмон тоши.
Эл-юртни деб етар бардоши,
Янчилса-да донларнинг боши...

Ургулай, қозоним, кучингдан сенинг.
Оқ шўрва шопирган чўмичингдан сенинг.
Қалбларни жўштирган ичингдан сенинг.

Зарур гапни эслат, айла такрор дарс.
Уч марта айтмоқ фарз, уқтирмоқ фарз.
Учдан сўнг узилар бўйнингдаги қарз...

Буни ҳеч қачон унутма, болам.
Бир-бирин кўрганда ким бўлса ҳам,
Энг аввал салом берган — энг буюк одам!

Ноҳақлик сабабли қай юрак дарздир.
Бил, унинг ягона малҳами арздир.
Илоҳий ҳақ қарор топмоғи фарздир.

Яланғоч, оч келдик...меҳр кўйдирди —
Дунё бизни кийдириб, тўйдирди...
Сўнг ҳирсда ёндириб, куйдирди.

Барги хазон...сархуш қалқиб шосупада
Хаёлингга келмадими, айт, мабодо
Қачонгача ўтираман, деб тепада?!

Ялангоёқ совуқ азобини туяди...
Ечиб берсанг, ковушингни кияди.
Ёз келса, юзингга оёғини қўяди.

Умр — ҳайрат! Яшамоқ — орзу ва сабр.
Кутишу энтикиш...ширин туш...таъбир.
Қолгани ҳаммага тенг — абадий қабр.

Бир келиб кетувчи меҳмонхонада,
Эъзоз топсам, дейди ҳар ким янада.
Лек синов азоби минг дард танада.

Қор тушиб, тоғларни қоплаган оқлик.
Кўкда хира булут. У ёқда софлик.
Наҳот, биздан шунча узоқда поклик?!



## ИШҚИНГДА ТАНДИРДАЙ ОҚАРДИ ДИЛИМ

Биринчи муҳаббат Худодан келгай,
Иккинчиси одамлар сабабли бўлгай.
Бошқа ишқлар машқи шайтондан елгай.

Борингни борингга тенгламаганинг,
Фикрингни кенглардай кенгламаганинг,
Бу демак, ўзингни англамаганинг.

Топганинг таваккал тақдимот қилдинг,
Ялчигулик эмас, не бунёд қилдинг.
Худо билсин сени, энди ким бўлдинг?

Яшаш учун шу гапга ишонмоқ даркор:
«Ерни тутиб турганлар бўлгани каби,
Осмонни кўтариб турганлар ҳам бор...»

Улуғларга хеш бўлганингга
Кўплар афсусда: «Майли эди
Бошқалардан пеш бўлганингда...»

Беғамсанда, лунжинг тўлибди гўштга,
Қорнинг айланибди бемаъни мешга.
Ўхшабсан ёмғирда қолган хом ғиштга...

Покликка ягона тимсол севгилим.
Ёниб-тутамадим, куйиб-ўчмадим,
Ишқингда тандирдай оқарди дилим.

Дунёни зулматга қоплаб олган тун,
Дедики, хизматим Қуёшдан устун.
У куйдирар...мен-чи тарайман салқин.

Ягона матлаби насаби пастнинг,
Умрбод душмани бўлиб пок, ростнинг.
Измида судралиб юради қасднинг

Бир қуш асилман деб уриниб ҳийла,
Дунёга жар солди: "Тухумим тилла!"
Асли палағдадан асрасин, илло...

Тонглар отаверар, кун ботаверар,
Оқ-қора рангларда умр ўтаверар.
Тириклар яратар, ўлик ётаверар.

Қанийди тақдирим эзгу шарҳ қилолсам,
Вужудимдан куфрни қувлаб тарк қилолсам.
Ва ишқ уммонига ўзни ғарқ қилолсам.

Сен мени билмабсан, билмай қўя қол.
Миннат-ҳимматингни қилмай қўя қол.
Менга Худо берар, ҳа, сен тўя қол.

Нодонга куйинмоқ бефойдадир, бас.
Минг ўқит, минг ўргат, гапингни уқмас.
Худо юқтирмаса, бандадан юқмас.



Мумкиндир жисмни пичоқсиз сўймоқ.
Мумкин кулги сабаб — аёвсиз куймоқ.
Мумкин зўр мақтовда ҳақорат туймоқ.

Қорни билан онги бирлашган одам,
Нафси-иштаҳаси сирлашган одам,
Жуда-жуда чиркин — кирлашган одам.

Умримда турфа дўст топгандим, ажаб.
Кўпини йўқотдим сабаб-бесабаб.
Ўзингдан ўзга дўст йўқ экан, ё раб!

Худойим осийлик, гўлликдан сақла,
Қулдорлар қайтмаслар, ўтиб кетдилар.
Аммоки қулларга қулликдан сақла.

Тилла доннинг ҳам сарғайган сомони бор.
Сабр-бардош айлаб ўтган ёмон кундан —
Кейин келар яхши кунлар чамани бор.

Ўзингни ҳаммадан баланд оласан.
Тобутда кўтариб халқ ерга қўяр...
Оқибат — барибир ерда қоласан.

Аллоҳ кимга амал бериб суяди.
Телбанинг ишин ҳам ўнглаб қўяди.
Ўлим ҳақ — ҳаммани тенглаб қўяди.

Диндан адашганлар элдан адашгай,
Гапини йўқотиб тилдан адашгай,
Ақлдан адашгай, йўлдан адашгай.

Ёмғирли қордан сўнг йўллар яхмалак,
Тепалик кўзгудай тиниқ, ёлғончи!
Тезликни оширган бўлар чирпирак.

Неки бор кашфиёт, неки бор янги,
Ялрагач, ўзгара бошлайди ранги.
Кўп ўтмай, ё унгар, ё чиқар занги.

Чиройли хотинлар ўзидан хунукроқ
Аёллар билан сайр қилишни севар,
Бу ҳолда назарга тушар тузукроқ.

Кимдир кўллаш билан айб оқлана қолмас,
Нопоклик сингиса сочдан тирноққача,
Ойлаб ҳаммомда юв, қалб поклана қолмас.

Тинч қўймас номарднинг совға-сийлови,
Мажбурий бу қарздан қутулолмассан,
Сиқувга олади виждон қийнови.

Ҳарому ҳалолдан очавермай фол,
Ҳар кимнинг ўзгага келтирмай малол,
Пешона тер билан топгани ҳалол.

Севишдик — севгида ҳушёр бўлолмадик.
Ажралсак ўламиз дедик — ўлолмадик.
Худо хушламади, биз ёр бўлолмадик.



Қуён тошбақага уйланиб,
Ҳаёт йўлларида айланиб...
Қийналиб кетишди, қийналиб

Нима бор азизроқ йигитчиликдан,
Не қилсанг ярашар, ҳаммаси гўзал.
Худойим асрасин лек итчиликдан...

Эгарлар ичида зўрсиз, фахрсиз.
Гарчи сиз танҳосиз, энди сағирсиз...
Шоҳ ўтирган эгар бунча мағрурсиз?

Аллоҳим, обрўйим юқори қилгин.
Назари пастларни паст-нари қилгин...
Ёмоннинг юзини тескари қилгин.

Сўзлар ҳикматидан уч сатр этдим:
Қутлуғ сўз, ўтлуғ сўз, улуғ сўзларки —
Ҳар сатрин эъзозлаб, кўп қадр этдим!

## ҲАР КИМНИНГ ЯХШИ-ЁМОН КУНЛАРИ ҚАТОР

Таянганининг ҳузур-ҳаловатгина,
Одамгарчилигинг омонатгина.
Аммо талабларинг қиёматгина.

Йўлбарсдир ҳайвонот оламин шоҳи.
Унинг насибасин тортиб қочарлар,
Тап тортмай, аянчли шоқоллар гоҳи.

Қачон бир-бирингга душманлик туйдинг,
Хаёлан бир-бирингнинг бағрингни ўйдинг,
Шу ондан ҳайвонга айландинг қўйдинг.

У ўзига ўзича ўрнатди тартиб,
Шу кундан саломин юборди ютиб
Ва тили танглайида қолди тез қотиб.

Отангга ҳурматинг сенинг ғалати.
Бобонг тенгиларга бермайсан салом,
Айт, кимга тегади бунинг лаънати?

Ҳовлиқиб қолибсан...учиб кетмагин,
Ҳайрон кўлтиғингдан пуфлаганлар ҳам.
Ерга секинроқ кўн...ўчиб кетмагин.

Кўнгил чорраҳасин кесиб ўтар пайт
Сабрсиз тўқнашиб олсанг жароҳат,
Қулоғимга кимни айблашингни айт?!

Қуёш қиздираркан, майсалар чанқоқ,
Сабрсиз бўлганда тоқатлари тоқ.
Чорасиз қолишди селга бўлиб ғарқ...

Билолмай пешонамда борини,
Аллоҳимга таваккал қилдим,
Тақдиримнинг ёзиқларини.



Яхшилар орасига ёмон тушгани,
Тун билан тонг орасига туман тушгани,
Садоқатга мисли гумон тушгани.

Энг жирканч, энг қора йўллардан бардам,
Гард юқтирмай ўтиб юрган зўр одам,
Аслида дунёда ғирт нопок одам.

Дардмандлар дардига даво излайди.
Дўзахий маишатчи атрофни булғаб,
Ўзига жаннатий маъво излайди.

Таний олмадим наҳанг нафси сенга ўтибди.
Ажабким, икки кўзинг тепангга битибди.
Фаришталар йўламай қочиб кетибди.

Донолар суҳбати — суҳбатлар султонидир.
Бекорчилар гурунги беадад бемаънидир.
Шайтоний базмларнинг пирлари мўлтонидир.

Ҳурлик берган раббим хўрликка учратма.
Чақмоқдай кўз бердинг, дилкўрликка учратма.
Ризқ бериб, меҳрга зорликка учратма.

Одамзот ҳаёт деб жонини тикар.
Билса-да дунёга эканин шикор,
Воажаб, у олам ғамини чекар.

Ҳар кимни яхши-ёмон кунлари қатор.
Ҳар ким аравасига лойиқ юк ортар.
Ҳар ким бир кун ўз аслига тортар.

Ҳаётда содиқ ёр ҳамдаминг бўлсин.
Қўли калталик, ёлғизлик ўлсин.
Арзингни тингловчи одаминг бўлсин.

Сенга қолса, улар дорга осилаверсин.
Ўзгаларга, майли гўрлар қазилаверсин.
Ўзингга-чи, мадҳиялар ёзилаверсин.

Билиб қўй, амалдор отангдан улуғ.
Начора ўзини санаркан қутлуғ,
Ноилож бир четда қилурсан қуллуқ.

Ёмғирдан сўнг потраб чиққан замбуруғ,
Куртлаб кетмайсанми, таъминг тотганни
Заҳарлаб, қилгунча ичбуруғ.

Осмон жуда баланд, ер — осмон эмас.
Тақдир пастламасин — паст осон эмас.
Бош қуйи эгилса — дил хандон эмас.

Хаёл қилганмидинг сарвқад дарахт,
Аррами, болтами қилгай жадал жаҳд...
Ё ранда силлиқлаб айлагай хушбахт!

Ким илм деб ранжу азоб кўрмади,
Китоб кўрмаганлар одоб кўрмади.
Ҳақиқий инсонлик — инсоф кўрмади.



Нетай гоҳ ожизлик устун келади.
Яхшилик суст, майда-майда келган пайт,
Ёмонлик, ёвузлик бутун келади.

Дунёда гар чалкаш ҳисоб-китобинг,
Бошингда сўнаркан ёрқин офтобинг,
Охиратда қолгай сўнгсиз азобинг.

Ёпирай, қойилман бу мақбараларга.
Эшигига йўлай олмас бирон авлиё,
Хўрланишни лозим кўрмас масхараларга.

Ҳар ким ўз тақдирини ўзи яратади:
Биров ғўр қисматини бахтга қаратади.
Биров омадини жарга қулатади.

Жаннат билан дўзах ораси бир қадам,
Эшигидан адашиб кирар,
Худо қалбин кўр қилган одам!

Айтганингни ҳақ, деб доим жуфтладинг.
Эссиз, диёнатга, ростга туфладинг.
Демак, ўз бахтингга ўзинг суфладинг.

Жаҳонда ҳар кимнинг ҳар недан ризқи.
Тоқатинг портлайди пок насибангни,
Булғалаб ғажиса аянч ипирисқи.

Ажаб, чўққи сари ўрмалаб илон,
Чиқиб олди унга эгрилик билан.
Аммо тўппа-тўғри қулади тубан.

Бир пашша бир мавсум ғинғирлар...
На чора, олдинда кўп йиллар.
Эзилиб, оғринар кўнгиллар.

Кўкка учганлардан кўплар бохабар.
Билмадим, дўзахми ё жаннат қадар —
Ерга кирганлар-чи, кетишди бадар...

Оқил, доно бўлсанг, бундай ўйлаб боқ.
Нодон деганларинг топганда ардоқ,
Нега сен қашшоқсан, нега сен қашшоқ?!

Ёқангда тулкининг айёрлиги бор.
Бегона назарлар ағёрлиги бор,
Десам, ёр дер: севгим хушёрлиги бор.

Хиёнат қилса дўстинг,
Ёлғонга иниб ростинг,
Бағрингни тилар қасдинг.

Четлаб ўтмоқ мушкул оҳу зорлардан.
Йўлбарс устун бўлсанг ақли борлардан,
Нега умринг ўтди чангалзорларда?!

Ҳар инсоннинг яхши-ёмон иши бор.
Давлат ё обрў деб зўр ташвиши бор.
Ҳеч нарсаси йўқнинг кўп миш-миши бор.



Бу одамнинг қорни ҳаддан зиёд тўқ.
Елкасида боши ўлардайин оч,
Шу боис ҳаётда ҳаловати йўқ.

Айбни билмаганга ҳеч не айб эмас.
Ҳамма нарса бўлган пулнинг олдида,
Илм — илм эмас, ғайблар — ғайб эмас.

Ёллангандан бери шамга пиликка,
Зўр бериб милт этган тирикчиликка,
Шериксан қурумли тиррикчиликка.

Улар зўр эдилар...Биздан бахтлироқ...
Аввал ёқтирмасдик. Энди мақтаймиз.
Ортда келаётганлар хавфлидир бироқ.

Туя вақтида думини тугди.
Ўйсиз қўй думбаси ерга тегди,
Қассоб деган назари зўрга тегди.

Балиқлар океанни бешикдай тебратар.
Болаларига алла айтиб ухлатар.
Тўлқинлараро кемалар елар бехатар.

Жаҳон харитасин устига ётиб,
Бегемот борлиқни тамоман қамраб,
Ўрнатаман деди ягона тартиб.

...а минг яхшилигинг юқмас.
... қайтарсанг, суягидан чиқмас.
...ғию бу ёғидан чиқмас.

Эй тўнка,
Тўқнашган бўлсак ҳам раҳмат сенга.
Қўлларимни тираб йиқилдим...

Эй, мевасиз дарахт,
Бунча ҳайбатлисан, бунча соянг катта...
...Мен куёш фарзанди.
Менга мева керак.

Гапирмоқчимисан?
Оғзинг тўла-ку!..
Бировнинг ғамини ея олармидинг!

Тўғрисини гапирсанг-чи.
Мум тишлаганмисан.
Мойланган оғиз ҳам сирачлана

Ўзи ишонмаган нарсага
Бошқаларни ишонтирмо
Виждони қийналмай га

Болалар шишириб ўйнай
Қудратли ҳаво кемалар
Эрларининг қудратиг



# ҲАР НЕДАН МАЪНО ТОПДИМ

*Устунлигинг янгиликмас,*
*Устун бўлмоқ мангуликмас.*

## УСТУНЛАР

Манман деган ёғоч устун,
Тақдир тортса, бўлгай ўтин.

Тош устунга қойилим бор.
Синса, бўлар зўр пойдевор.

Темир устун занглаб кетар,
Бир кун ҳолин англаб етар.

Устун бўлсанг устунлик қил,
Оғирликка масъуллик қил.

Устунлигинг янгиликмас.
Устун бўлмоқ мангуликмас.

## БОШОҚЛАР

Ерга умид боғлаб, тер тўккан деҳқон,
Ҳар ҳовуч донидан яшнагай жаҳон.

Шудгор ичра ётиб бағрим тилурман...
Хуллас, одам ризқин бутун қилурман.



Ҳеч ким бўлмасин деб нонга зор, қашшоқ,
Битта дондан бўлгум бир бутун бошоқ.

Кўзларни қувнатиб пишган сара дон,
Ундан мадад олар ҳар бир хонадон.

Ҳақ деб тегирмондан чиқдим мен омон,
Қадримни оширди халқ ҳамда замон.

Қаймоқдай оқ жило тараркан унлар,
Бир-биридан ёруғ бўлгуси кунлар.

Хамирлар тандирлар сари қўзғолур.
Танга куч, қалбларга тўлқинлар солур.

Ҳаётбахш, умрбахш азиз буғдой нон,
Одамзод танида қувват чўғдай нон.

## ЧАВАНДОЗ, УЗАНГИ, ЭГАР ВА АЙИЛ ҲАҚИДА

Қанчалик зўр бўлмасин
Чавандознинг шуҳрати,
Отнинг туёғига боғлиқ
Унинг ҳаёти.

Оламга таралар чавандоз донғи,
Оёғидан кўтариб юрар узанги.

Юкни елкасига олмаса агар,
Бекорга от миниб юрмасди эгар.

Отнинг белин маҳкам қучиб,
Қувват бергувчи айил.
Шуҳратдан ҳам ҳеч бўшашмас,
Мақтовга учмас, қойил!

## ЁНИҚ ЎЧОҚЛАР

Ўчоққа оталар солгандир асос,
Оналар юракдан қўйгандир ихлос.

Умр бўйи ёниб-куйган ўчоғим,
Меҳр ўтин тараб суйган ўчоғим.
Мисли оташнафас элпарвар оқин,
Гурлаган овозинг дилларда ёлқин.

Тўрт кетмон хокни ер бағридан ўйдим.
Тириклик қозонин кўксига қўйдим.
Қалбида ўт-олов гувуллаган он,
Янада мукаммал ёришди жаҳон.

Қовуриб, пишириб, қайнатган ўзинг.
Ўчоғим, димлатган, дамлатган ўзинг.
Чўғингдан, кўрингдан яйратган ўзинг.
Тўйдириб кувнатиб сайратган ўзинг.

Ўчоққа сиғмасдан гурлаган олов,
Ўзинг дил хонамда муқаддас ялов.

Ажаб, булбул ранги кулга ўхшайди.
Ўчоқдаги ўт булбулга ўхшайди.
Минг булбул баҳслашиб куйлаган лаҳза,
Олов қўшиғидай беролмас маза.



Меҳнату ақлда баракаю қут,
Ўчоқни севимли қилгай ёнган ўт.

Эй ўчоқ, мунғайган кулинг қолмасин,
Асло нон емасга кунинг қолмасин.

Билгилки, то иссиқ ўчоғинг бўлгай,
Ёнингда ёр, дўст-ўртоғинг бўлгай.

Ҳар ким ҳаётидан минг ризо-қонсин.
Ҳар кимнинг ўчоғи гуркираб ёнсин.
Ҳаргиз уйқусида бўлсин ҳаловат,
Тонгда ўчоғини севиб уйғонсин.

## ҚЎЛЛАР ТАВСИФИ

Кафтлар чизиғида битилган тақдир,
Ҳар қандай ҳолатда ижроси ҳақдир.

Нимадан далолат оддий беш бармоқ,
Гоҳ чангал солади, гоҳ тошлар қармоқ.

Бу қўллар, йиқилсанг суяб қўяди.
Севиб, пешонангни силаб қўяди.

Гоҳ гурзи, гоҳида мисли ғишт бўлиб,
Урилар бешафқат зарбли мушт бўлиб.

Гоҳида оғриниб қилсанг минг нола,
Силкилаб, тимдалаб айлар дабдаба.

Икки кўл қовушса дилни шод айлар,
Икки дунёни ҳам тенг обод айлар.

Кўллар бор, тўсатдан ёқангдан олар.
Кўллар бор, ҳайратга солиб куй чалар.

Бу кўллар гоҳ бизни боғлаб туради.
Толмасдан, юксакка чоғлаб туради.

Билмассан, тақдиринг ўз кўлингда, ё —
Ҳукмини шафқатсиз юргизар дунё.

Не куйга солмасин сени бу олам,
Ўзингни кўлингга ола бил, болам.

Қай бир кўл келтирар азобу кулфат.
Қай бир кўлдан фақат таралар ҳиммат.

Умринг бўлса ҳамки қай кўлга боғлиқ,
Шундай қилки, дилинг бўлмасин доғлиқ.

Ҳаёт, бу курашдир, шимар билагинг,
Чайир кўлу ақлинг берар тилагинг.

Мангу сир-тугатар қай кўл ҳаётинг,
Ё қай кўл тарихга ёзади отинг.



Баланд келганда ҳам омаду дастинг,
Кулайсан, дам-бадам кўзғаса мастинг.

Отган ҳам, осган ҳам, кесган ҳам шу кўл.
Ёмонлик йўлини тўсган ҳам шу кўл.

Қай кўлга қисматинг топширар Аллоҳ,
Буни ҳеч билмассан, бўлмассан огоҳ.

Бу кўл гар хоҳласа кўксинг тоғ этар,
Ё сени балчиққа белаб доғ этар...

Ҳақ берган кўлчалар сени қувватлар,
Улардан таралар бахту омадлар.

Фарзанди аржуманд — кўлингдир, дилинг,
Узоқ асрларга давоминг — йўлинг.

Насибанг тугаса дунёи дунда,
Умрингдан ризо кет кўлинг кўксингда.

Зурёдинг миннатдор хаёлга чўмсин,
Кўллари танингни тупроққа кўмсин.

Яшаб ўтганингга бўл аниқ амин,
Юзига фотиҳа тортсин у: «Омин»

## ЙЎЛЛАР ҲИКМАТИ

Тарам-тарам издир ўнг-сўллар —
Пешонага битилган йўллар.
Бир ёнда ов, бир ёнда овчи,
Бу дунёда ҳамма йўловчи.

Шоҳми, гадо, ким бўлма, йўлсиз,
Қолгандайсан оёқсиз-қўлсиз.
Йўлсиз зарур юмушинг битмас,
Йўл юрмаган муродга етмас.

Йўл бос ўр-қир, қиёда,
Бахтинг кулсин зиёда.
Ойга йўл ол, қуёшга йўл сол,
Йўл туфайли яқиндир висол.

Йўллар, йўллар, мислсиз йўллар —
Дунё билан чатишган диллар,
Йўл инсонни олға чорлагай,
Икки олам билан боғлагай.

Шуни билки, ҳаттоки ўлим
Тугатолмас мангуга йўлинг.
Дўзахгами ёки жаннатга,
Йўл оласан шу он албатта.

Айланма йўл, қайрилма йўл,
Йўловчингдан айрилма, йўл!
Эгри-бугри, ўйдим-чуқур
Бўлсанг ҳам борингга шукур.



Доим ёрқин порласа йўлинг,
Баланд бўлгай ҳаётда қўлинг.
Ният қилгин, ёр бўл омадга,
Умр сўнгида етгин жаннатга.

Йўлда бахтинг кўзлагин,
Йўл гаштидан сўзлагин,
Уловдами, пиёда —
Умринг бўлсин зиёда!

Тоғ тошлари қурама,
Йўллар қайсар, бурама.
Зарра чалғима ногоҳ,
Белгилардан бўл огоҳ!

Йўлларинг равон бўлсин,
Ошганинг довон бўлсин.
Сўқмоқларда қоқилма,
Бошгинанг омон бўлсин.

Тоғни тешиб ўтган йўл,
Узоқни яқин этган йўл.
Ҳайрат солиб дилларга,
Муродига етган йўл.

Эй йўловчи, оқ йўл сенга,
Дуч келмасин фалокат.
Хавф солмасин умрингга
Асло автоҳалокат.

Ҳатто борса келмасга
Хоҳлаган бориб қайтсин.
Тушларини сувга эмас,
Дўстларга яйраб айтсин!

## ДАСТУРХОН, СУПРА, ТАНДИРЛАРГА МАДҲУ САНОЛАР

Оилада дастурхон,
Ўзинг амир, ўзинг хон.
Эртакдагидай ажиб,
Дастуринг бўлсин вожиб.

Жаҳонда энг топ-тоза,
Энг ҳалол, энг покиза,
Бағри очиқ дастурхон.
Унда яйраб кулган нон.

Ноз-неъматинг соз, маза,
Эзгу бахтга андоза.
Чексиз ҳамду санолар,
Бўлсин сенга дуолар.

Ҳимматингдан куч олиб,
Яшармиз соғлом, ғолиб.
Дунёда сахий, қутлуғ,
Таомларингга қуллуқ!

Дастурхонин этган хор,
Бу оламдан ўтар зор.



Берган тузинг булғаган —
Касни шайтон чўлғаган.
Энг аянчли, энг жирканч,
Еган-ичгани булғанч.

Пораҳўр, тамагирлар,
Ўзини чоғлаб зўрлар.
Элдан юзин бурганлар,
Нонтепки, нон урганлар.

Шукр қил, дастурхондан туз тотсанг.
Аммо гуноҳ унга қўл артсанг.

Дастурхоним — улуғ хон,
Ўзингсан олий фармон.
Учрамай деб қаҳрингга,
Эгилурман бағрингга.

Сени обод қилай деб,
Рўзғорим шод қилай деб,
Дастурхоним, қулингман.
Мадҳингда булбулингман.

Супрадаги унимсан,
Олдда ёруғ кунимсан.

Супрага ун элар ёр,
Бизни бахтга белар ёр.

Хамирдан ўнган зувола,
Тандиргадир ҳавола.
Ширмой нонлар, кулчалар,
Ёқимлидир бунчалар.

Соз тупроқдан қорилган,
Чин юракдан яралган,
Иссиқ тандир бағридан
Оламга меҳр таралган.

Тандирсан-а, тандирсан,
Содиқ, меҳрибондирсан.
Нон берай деб инсонга,
Ўтда ёнган жондирсан.

Қолипларга тушгансан,
Товаларда пишгансан.
Эй, азиз нон, одамлар
Юрагида жўшгансан.

Тотган тандир кабобим,
Сайратар дил рубобим.
Арчанинг хушбўй таъми —
Оромбахш, дил илҳоми.

Қойилман-э, сомсангга,
Қувват бағишлар танга.
Куни бўйи тутар тўқ.
Тандирингга тасаддуқ!



## УЗУКЛАРДАГИ БАЙТЛАР

Мени бирор қўлга тақишдан олдин,
Вафо муҳрин ёринг қалбига солгин.

Ёр қўлига ўзинг таққан узукман,
Ишқингни асрайман кўнгли бузуқдан.

Бевафо қўлида қолиб кетмайин,
Майли, синсам ўша қўлга етмайин!

Енгилтак қўлига тақилсам агар,
Нурли кўзларимни тўлдирсин заҳар!

Мен содиқ дилбарлар қўлин тутайин,
Ошиқлар юрагин ёқиб ўтайин!

Эй ошиқ, тинглагин менинг сўзимни,
Ўзимнинг кўзим деб, билгин кўзимни.
Еринг ўзга қўлга қўл берса агар,
Бу ишинг хато деб уқтиргум зинҳор!

## ТАБОҚ — ЛАГАНЛАРДАГИ ЁЗУВЛАР

Чинни, мармар лаган завқ тараб кулсин,
Давраларда тўкин жонон ош бўлсин.
Бу неъмат баҳона йиғилган дўстлар,
Доимо қадрдон ҳам сирдош бўлсин.

Ўзбегим, паловли лаганинг гўзал.
Луқмани оғзингга олганинг гўзал.
Бебаҳо лаззатни берган Ватанга,
Севгидан ҳайратда ёнганинг гўзал.

Истайман, меҳмондўст уйда бўлайин,
Тўкин маъракада, тўйда бўлайин.
Қуруқ туриб қолсам мис ё тошманда.
Одамлар ош еса бошим осмонда!

Дунёда не хилда ошиқ-маъшуқ бор,
Ош баҳона, бўлсин севгиси ошкор.
Сийлашиб, ёрига ошатган қўллар —
Тириклик лаганин силашсин такрор.

Табоқ-кўксим бахтдай паловга тўлсин,
Ошиқ-маъшуқ қўли бағримда бўлсин!

Марҳабо, меҳмон уй тўрига ўтсин,
Мендан ош еганлар муродга етсин!

Мезбон, уйингизда табоқ синмасин.
Меҳмонлар кулгуси асло тинмасин!

Тузу насибанинг ҳурматин оқланг,
Мени доим ювиб, озода сақланг!

## АЁВЛИ НОДИР БУЮМЛАР БАЁНИДА

Жавонда тизилган биллур идишлар,
Улардан бегона оддий юмушлар.
Гўё чўчир холис хизмат қилишдан,
Қўрқишар назардан тушиб қолишдан.



Сип-силлиқ бу чинни пиёла, чойнак,
На облуш кўргандир, на бир чой қайноқ...
На меҳрли қўлу, на бир чанқоқ лаб,
Ташаккур билдирган на бир оташ қалб!

Жавондан югуриб тушгуси келар.
Гоҳ меҳнатда яйраб жўшгуси келар.
Иложсиз бир жойда тургунча қотиб,
Минг ризо ҳаттоки юборсанг сотиб.

Ажаб, бу буюмлар соф биллур, чинни,
Мисли маҳкумликда санарлар кунни...

Назокатли, нафис биллур қадаҳлар,
Нозик жилвасида нени ардоқлар?
Белидан қучгани чўчир бармоқлар,
Лаб тегмай, қизара бошлар дудоқлар.

Илкис ерга тушса бир кичкина жом,
Ачиниб, эгасин босиб қолар ғам...
Юракни эзади нодир синиғи: —
«Эсиз, шикаст топди дунё тиниғи...»

Кумуш, нуқра ҳамда зумрад, биллурлар,
Ўзининг баҳосин аниқ билурлар.
Гоза буюмларни бўлмас чегалаб,
Азалдан хос эмас бу сифат талаб.

Митти ёғорликдир тилла қошиқлар,
Бунча кўп уларни севган «ошиқ»лар.
Эгаси тусатдан ғафлатда қолар,
Кутмаганда, бехос, сирли йўқолар.

## СОДИҚ СОПОЛЛАР ТАВСИФИ

То бир кунимизга ярарсан сопол,
Дегаймиз, бир умр кўрмагин завол!

Фақат қилмасанг бас хурмача қилиқ,
Барча хизматингга чин дилдан қуллуқ.

Гарчи бир оз ҳомсан, бир оз кўполсан,
Оила корига содиқ сополсан.

Уста кулол пишиқ қорган лойингни,
Ҳаётда топганинг ростдир жойингни.

Сополим, сенга хос камтар кўркамлик,
Сендан таом еган кўрмасин камлик.

## КЎЗАЛАР, ХУМЛАР, ҒУЛЧАЛАР, ОФТОБАЛАР БАЁНИДА

Эй, кўза элга хизмат аҳдида кетдинг.
Шу боис, зумда дарё бўйига етдинг.
Обиҳаёт ишқида бағринг тўлатиб,
Ажаб, бир жонон қизнинг кифтида кетдинг.

Асил лойдан яралиб, ярақлаган кўза.
Чиллада чанқоқ босиб чарақлаган кўза.
Синишга ҳаққинг йўқ, эй жаннат идиши,
Не бир жонларни омон сақлаган кўза.

Шайтонга улфат тутиниб, макруҳдан мастландинг,
Гандираклаб, ўз жонингта ўзгинанг қасдландинг. —
Кўза синиғидан бошлар сарак-сарак бўлди.
Ярминг яроқсиз, э воҳ, ярминг итга ялоқ бўлди.



Тақдир экан, омад кулиб эй, лой бола,
Ичи тўла тилла хумча бўлдинг.
Аммо ҳеч ким демади сени, бой бола.
Негаки, бир бадбахт шумча бўлдинг.

Саломат бормисан, аҳволинг қалай, хум?
Сариёғли, қаймоқли — ичинг тўла мой, хум.
Асл пишиғимсан. Хурмачалар ҳолига вой.
Лойдан чиқиб, шунчалар бўлдингми бой, хум.

Муборак бўлсин, рангин яшнабсан, кулибсан.
Аллоҳим ҳимматидан асалга тўлибсан.
Қадр-қимматинг баланд, хушбўй тарар ичинг,
Асил улашган хум, асаллигингча қолибсан!

Чуни офтобалару мис кўзачалар,
Гоҳи ажабланиб, хаёлга толар:
«Биздан кўра кўпроқ шон-шараф олар,
Сувларини салқин тутган ғулчалар»...

Афсус, тилла тўла хумларга
Талончилар бўлганда эга,
Тунолонда синган зумлардан —
Не қалбларга солгансиз чега...

Эй, кўза хулқингдан қолмагин нолиб,
Не бало, ҳаётда йўлинг эгрими?
Кўлтиғингга қўл солса, осилволиб,
Ҳар ким билан кета беришинг тўғрими?!

Яхши-ёмон кунларни кўриб,
Ҳаёт оловида пишган сополлар.
Тажрибаю, умр гаштини суриб,
Оқибатда қучди иқболлар.

Хумчамисан ва ёки ғулча,
Қилиқ қилавериб хурмача.
Ҳар жойда туюлиб ортиқча,
Фақат бўлиб қолмагин ғалча.

## ДАРАХТЛАР ХИЗМАТИ

Дарахтлар хизмати аниқ жаҳонга:
Дўстга соя бердик,
Мева — деҳқонга.
Айтсак хислатимиз бўлмагай тамом,
Доим қўл келамиз барча инсонга.

Бошимизда бўлсин мусаффо осмон,
Биз, туғилган ерга қўриқчи-посбон.

Ўтмиш наслардан дарахтлар ёдгор.
Саховат бағрида умримиз пойдор.
То бормиз, бўронлар йўлини тўсдик.
Жажжи ниҳолларни ўстириб, ўсдик.

Ўрмоннинг бағрида йиртқичлар бисёр,
Аммо дарахтларга улар безарар.

Бизни милтиқларга қўндоқ қилмангиз,
Шафқатсизга асло ўртоқ қилмангиз!



Ёш ниҳол ҳаётга боқар ҳавасда,
Бўлсам дер, байроқни кўтарган даста.

Мендан устун ясанг, қилмангиз ўтин,
Устун бўлсам, бағрим бўлгуси бутун.

Кексайиб, йиқилиб қолсам мабода,
Ном олсам — ёғоч ё оддий бир хода.
Чол — кампирлар учун йўнингиз ҳасса,
Нуроний умрига қўшайин ҳисса.

## ЭШИК-ДЕРАЗАЛАР, ДАРВОЗАЛАР АТРОФИДА КЕЧГАН ХАЁЛЛАР

Эшиклар бор: озода, ёрқин.
Ўзи очилару ўзи ёпилар.
Кўнгилгаю юракка яқин,
Бу даргоҳдан ҳар не топилар.

Бу уйнинг эшиги ҳашамдор.
Икки табақали, кенг.
Ичида керилган хўжаси бор,
Ўзингни ҳис этмассан тенг.

Бу уйнинг ромлари содда.
Дераза ойналари тиниқ.
Кўрганларинг қолади ёдда,
Меҳр унда ҳар недан улуғ.

Темир эшикларга тушган нигоҳинг,
На тирқиш, на дерази бор.
Қулфлаб, муҳрланган...қотмасин оҳинг,
Асло ёнерида бўлмагайсан хор.

Дарвозаси пўлат панжаралар —
Синчлари юрагингга санчилган каби.
Тушгандай танингга сонсиз яралар,
Мунғаясан тамом янчилган каби.

## ИН-УЯЛАР,
## КОВАКЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚА САБОҚЛАР

Бу инларда ҳар жонлики бор,
Кундуз ҳушёр, тунлари бедор.

Адирларда юрсанг, коваклар,
Сурунма, деб берар сабоқлар.

Ин ёнидан ўтиб beписанд,
Осон эмас, ногоҳ чексанг панд.

Коваклару ботган изчалар,
Шамолларда ҳуштагин чалар.
Эҳтиётсиз боссанг қадаминг,
Оёғингдан тортқилаб қолар.

Қалбсизларча ким кетиб ўздан,
Митти қушнинг уясин бузган,
Бузғунларга дуч келиб ногоҳ,
Ажабланманг, тортса ҳасрат, оҳ...

Инлар ичи тик, эгри-бугри.
Унда яшар ўғрию тўғри.
Кемирувчи ҳамда безори.
Хуш ёқар юввош, беозори.



Бефарқ бўлсанг ўзингга зарар.
Илонни не индан чиқарар...

Индан айиқ асал
Ўғирлаб ялар.
Боларилар уни
Бирлашиб талар.

Бўрининг инига элтар бу сўқмоқ,
Билиб қўй, хавфлидир унга бош суқмоқ.

Ваҳший йиртқичларнинг излари қолган,
Коваклар зирқираб зўр оғриқ солган —
Бу ернинг топталган, хўрланган жойин
Боссанг, бир касофат топмоғинг тайин.

## СИРЛИ-ЯШИРИН ЙЎЛЛАР

Ер тагида яширин йўл,
Ҳеч кимга айтмас сирин йўл.
Асрлар ўтса ҳам, ҳамон
Бу йўлни кўрмоқ кўп гумон.

Кимки йўлини яширар,
Ўзига гумон оширар.

Хавфсиз дема ер остини,
Ким билар тақдир қасдини.

— Ер тагида ким йўл қазган?
— Ё бир мард, ё йўлдан озган.

Билиб қўйсин тутган ер ости йўлини.
Аллоҳим қуллар фақат севган қулини.

Қилган иши бўлса фириб,
Кетмайдими ерга кириб!

Ердан чиқиб ерга киргунча,
Тинчгина юр дунё тургунча.

## ТОҒ ЧЎҚҚИЛАРИ, ҒОРЛАР ВА ТОШЛАР ҲАЁТИДАН САЧРАТМАЛАР

Тошлардан кўрмаса эҳтиром, ардоқ,
Бунчалар юксалиб яшнамасди тоғ.

Қоялар кўтариб турганини гоҳ,
Унутиб қўяди чўққилар ногоҳ.

Ҳаётда ҳарсанглар мустаҳкам, тирбанд,
Ҳеч қачон бермайди бир-бирига панд.

Мағрурликда қотган энг баланд чўққи,
Бошида кўтариб тургандай кўкни...

Чўққилар эгилиб чўзмас қўлини,
Ўзидан қуйига очмас дилини.

Менга таъзим қилсин дегандай олам.
Пойида сангларга айламас салом.



Шунчаки тошларга ўзин менгзамас,
Юксаклик шуҳратин асло тенгламас.

Чинг чўққи ҳамроҳи тунда ой, юлдуз,
Қуёшга саломин йўллайди кундуз.

Тоғдан қулаб тушган тошларки бордир,
Қисмати емирилиш — қумдир, ғубордир.

Баҳор тошқинига алданган тошлар,
Дарёнинг тубида тўкмиш кўз ёшлар.

Тоғлардан бадарға бўлган шум тошлар,
Оёқдан чалиб гоҳ юракни ғашлар.

Агар қай чўққининг иззати битар,
Бир довул келарда, қулатиб кетар.

Умр ўтиб, чўққи қулаган сайин,
Табиат ўзгасин қилади тайин.

Тошларки тагидан емирилдими, бас,
Баланд тоғ шуҳрати чўкар, бўлар паст.

Ўнгирда ичлари зимистон ғорлар,
Нафаси бўғилиб, тақдирдан зорлар.

Ё бир ташландиқ жар, ё бир зиндондир,
Ўзи билмас, нажот кутар кимдандир.

Зулматга қопланган бу, зим-зиё ғор,
Ёруғликдан умид-орзуси бисёр.

Ғорлардан ким хурсанд, кимдир хафадир,
Биров яширганин биров топади...

## ПАСТҚАМ, ТАҚИР ЕРЛАР УМИДИ

Бу ер кўп пастқам, тақир.
Гиёҳга зор, хор-ҳақир.
Сув истаб, чанқаб ётар,
Эртасин алқаб ётар.

Ҳар қаричи хазина.
Таги тўла ганжина.
Қақраб ётган сиртига
Таъна қилиб, ранжима.

Номсизлару «виш-виш»лар
Келтирмагай ташвишлар.
Калтакесаклар кезмас,
Насиб этгай пок ишлар.

Қувватга тўлиб кўкси,
Ортиқ қолмагай ўксиб.
Бир боғлар кўкарар-ей.
Зўр ҳосил кўтарар-ей.

## КИЙИМ-БОШЛАР АТРОФИДАГИ ГАПЛАР

Устларида пишиқ — нодир терилар...
Улар шилишмаган — эмас қотиллик.
Топиб кийганидан мағрур керилар,
Терининг ичида бордай дадиллик.



Дўппилар, қалпоқлар, турфа каллапўшлар,
Мисли афсонасиз, мисоли тушлар...
Қўшиб тикилгандай сеҳрли омад,
Сизни кийган бошлар бўлгайлар баланд.

Қани сенинг белда белбоғинг,
Бошингда-чи йўқдир қалпоғинг.
Юравериб тўнсиз, бошялang,
Ҳаддан ортиб кетган чатоғинг.

Қандай гўзалсиз-ей,
Пахта буюмлар.
Фақат бўлиб кетманг
Сохта, буюмлар!

## САФСАТАБОЗЛИК

Умри ўтар сотиб сафсата.
Аммо эмиш ўзи соф содда.

Сафсатабозлик шундай бир ҳунар,
На жағ тинар, на қоғоз тинар.

Сафсатанинг учи-қуйруғи
Бўлмас тайин мақсад-йўриғи.

Агар қайда лоф бўлса қоп-қоп,
Урчигандир кўп сафсата гап.

Сафсатабоз еларкан отда.
Маъно-мазмун қолади ортда.

## ТАРЖИМАЛАР

**Робиндранат ТҲАКУР,**
*Ҳинд мутафаккири*

### Учқунлар

Қалам бефарқ қайси қўлда ёзсак биз,
Унга пучдир барча ёзганларимиз.

Эркин тасаввурим юксалиб кўкка,
Гўёки айланиб учар қўшиққа.

Ўзга юртнинг шоирига гул
Қилди шундай таъна:
Наҳот мени ўстирган юрт
Сенга бўлса бегона.

Севгининг шодлиги лаҳзалик рўё.
Азоби, ташвиши чеки йўқ дунё.

Агар бўлиб кетсанг бошингдан баланд,
Эгилгин, паст бўлсин бошингдан қомат.

Осмон бўлсайдим, деб қуш қилар тилак.
Қани, қуш бўлсам, дер осмону фалак.

Эй, Чанг! Қоларкансан софликдан маҳрум.
Ўйла, булғанчликка бўлурсан маҳкум.



Ўз қавмига қарши ким уруш қўзғар,
Ҳақ қаҳрига учраб бўлар хору зор.

Ким қонун номидан бўлса бешафқат,
Ҳаётда бахтсизлик келтирар фақат.

Буюклик чўққисига етмаган ҳар зот,
Буюклар қадрини билмас умрбод.

**Станислав Ежи ЛЕЦ**
*Поляк шоири*

### Тунлар ва кунлар

Бир даврнинг қисқа кунлари.
Ўзгасининг эса — тунлари.

### Оптимистик эпиграмма

Ҳар қандайин Эшакка бешак,
Қаердадир ўсмоқда ўтлоқ.

### Йўл кўрсаткич

Ҳамма йўллар Римга олиб борса ҳам,
Ҳаммасида учрар адашган одам.

### Физик ҳаққоният

Бунақаси ҳаётда бўлмаган ҳеч қачон,
Ҳайкал ўзича қулаб тушмаган осон.

### Акс садо

Баъзида жаранглаб чиққан акс садо,
Кулгулар остида бўлгуси адо.

**Ямаш ҳақида**

Ғоялар — қўғирчоқлар эмас,
Чил-чил синдими, ямаб бўлмас.

**Бир куни**

У ҳаммага бирмоқ орасидан боқиб,
Бир куни муштини тугди тутоқиб.

**Учаламиз ҳақимизда**

Ўзим билан ўзим ёлғиз қолган дам,
Ҳайрон боқаман икковингизга ҳам.

Илоҳий қонунлар мажмуин обдон,
Ҳаммадан ҳам кўпроқ билгувчи шайтон.

## МУНДАРИЖА

Қисқа сўзнинг қадри..........3
Икки юлик номалар..........5
Ишоралар..........21
Учликлар..........37
Ҳар недан маъно топдим..........59
Таржималар..........84

1800

Адабий-бадиий нашр

**Қамбар ОТА**

**ДИЛ КЎРКИ**

Муҳаррир *Л. Игамова*
Бадиий муҳаррир *Ҳ. Меҳмонов*
Рассом *Б. Зуфаров*
Техн. муҳаррир *Т. Харитонова*
Мусаҳҳиҳ *Ҳ. Жўраев*
Компьютерда тайёрловчи *Ф. Чанишева*

Нашр. лиц. AI №158, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 18.06.10.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими $84 \times 108^{1}/_{32}$. Шартли б.т. 4,62.
Нашр б.т. 2,87. 2000 нусхада чоп этилди.
Баҳоси шартнома асосида.
Буюртма №10-226.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston»
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129, Тошкент, Навоий, 30.